

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эргашева Шахло Турғуновна
ТДИУ кафедра мудири, и.ф.д.,
профессор

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиётнинг Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизимига таъсири ва уни халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IFRS) асосида такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари, IFRS, рақамли технологиялар, ERP тизимлари, блокчейн, сунъий интеллект.

Аннотация: В данной статье рассматривается влияние цифровой экономики на систему бухгалтерского учета в Узбекистане и ее совершенствование на основе Международных стандартов финансовой отчетности (IFRS).

Ключевые слова: Цифровая экономика, бухгалтерский учет, Международные стандарты финансовой отчетности, МСФО, цифровые технологии, ERP-системы, блокчейн, искусственный интеллект.

Abstract: This article examines the impact of the digital economy on the accounting system in Uzbekistan and its improvement based on International Financial Reporting Standards (IFRS).

Keywords: Digital economy, accounting, International Financial Reporting Standards, IFRS, digital technologies, ERP systems, blockchain, artificial intelligence.

Кириш. Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиётнинг шиддат билан ривожланиши корхоналарнинг молиявий ҳисобот юритиш тизимларига янги талаблар қўймоқда. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳаларида рақамлаштириш жараёнлари кечмоқда, бу эса бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларга (IFRS) мувофиқ тарзда такомиллаштирилишини талаб қилади. Халқаро стандартлар бухгалтерия ҳисобининг шаффофлигини таъминлайди, инвестиция муҳитини яхшилади ва мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш масалалари бўйича илмий ва амалий тадқиқотлар кенг қамровлидир [1].

IFRS Foundation (2024) томонидан яратилган «International Financial Reporting Standards (IFRS)» халқаро ҳисобот стандартларига ўтишнинг асосий методик базаси ҳисобланади [3]. Ушбу стандартлар молиявий ҳисоботнинг шаффофлиги ва солиштириш имкониятини таъминлаб, глобал иқтисодиётдаги

инвестиция муҳитини яхшилайдди.

OECD (2022) томонидан тақдим этилган «Digital Transformation in Accounting and Finance» ҳисоботида рақамли технологияларнинг молиявий ҳисобот жараёнларига таъсири, ERP тизимлари ва блокчейндан самарали фойдаланиш масалалари ёритилган. Deloitte (2024) [8] ва PwC (2023) [7] тадқиқотлари бухгалтерияда сунъий интеллект ва автоматлаштирилган тизимларнинг қўлланилиши натижасида ҳисоботларнинг аниқлиги ва тезкорлиги ошишини таъкидлайди.

Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ш.Ш. Абдуллаев (2022) ўз асарларида миллий бухгалтерия ҳисобини рақамлаштириш жараёнлари ва уларнинг қонунчилик билан уйғунлигига эътибор қаратган [4]. Д. Назарова (2023) «Рақамли иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисобининг трансформацияси» мақоласида рақамли технологиялардан самарали фойдаланишнинг илмий-назарий асосларини таҳлил қилади [5].

IFRSга босқичма - босқич ўтиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (2023) дастури миллий бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга уйғунлаштиришда муҳим амалий қадам ҳисобланади. Шунингдек, ACCA ва бошқа халқаро молиявий институтлар рақамли ҳисобот ва IFRS интеграцияси бўйича қўлланмалар тақдим этмоқда.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш жараёнида кадрлар салоҳиятини ошириш, ахборот хавфсизлиги ва инфратузилма масалалари алоҳида аҳамиятга эга эканлиги адабиётларда таъкидланади.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни тадқиқ қилишда илмий ва ўқув-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, умумлаштириш каби методлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бухгалтерия ҳисоби тизимини тубдан янгилашни талаб этмоқда. Амалдаги таҳлил шуни кўрсатадики, корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритишда миллий стандартлардан халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IFRS)га босқичма-босқич ўтиш жараёни давом этмоқда. Бироқ кўплаб корхоналарда рақамли технологиялардан фойдаланиш даражаси ҳануз паст бўлиб, инфратузилма ва малакали кадрлар етишмовчилиги асосий муаммолар сифатида сақланиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда IFRSга босқичма-босқич ўтиш жараёнлари амалга оширилмоқда. Бухгалтерия ҳисобини рақамли технологиялар асосида юритиш учун қатор чоралар кўрилмоқда:

Электрон ҳисобот платформалари («Солиқ-онлайн», my.soliq.uz) ишга туширилди,

Кўплаб корхоналарда 1С ва ERP тизимлари жорий этилмоқда,

IFRS стандартлари бўйича қонунчилик базаси янгилашмоқда.

ERP ва электрон ҳисоб-фактура тизимлари жорий этилган корхоналарда ҳисоботлар тайёрлаш вақти 30–40% га қисқарган ва аниқлик даражаси ошган ҳамда IFRS стандартлари бўйича ҳисобот юритган корхоналар хорижий сармоядорлар учун янада шаффоф ҳисобот тақдим этмоқда, бу эса инвестиция муҳитини яхшиламоқда.

Рақамли инфратузилма ва ахборот хавфсизлигидаги камчиликлар молиявий маълумотлар хавфсизлигини таъминлашда хатарларни келтириб чиқармоқда. Малака ошириш курсларидан ўтган бухгалтерлар рақамли технологияларни ўзлаштиришда юқори самара кўрсатган.

Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга уйғунлаштириш миллий иқтисодиётнинг глобал молия тизимига интеграциясини тезлаштиради ҳамда IFRS ва рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳисоботларнинг шаффофлиги, тезкорлиги ва аниқлигини оширади. Инвесторлар ва давлат органлари томонидан шаффоф ва ишончли маълумот тақдим этиш талаб қилинади. IFRS стандартлари ҳисоботларнинг халқаро бозорда тан олиншини таъминлайди.

Корхоналарда молиявий операциялар сони ва турлари тобора кўпаймоқда, уларни кўлда юритиш самарасиз бўлиб бормоқда. Автоматлаштирилган тизимлар ҳисоботларни реал вақтда шакллантириш имкониятини яратади.

Кадрлар ва билимлар етишмаслигида IFRS бўйича малака даражаси етарли бухгалтерлар ва аудиторлар сони камлиги ҳамда ACCA, DipIFR каби халқаро сертификат дастурлари кам ва амалдаги бухгалтерларни қайта тайёрлаш жараёни секин кечмоқда.


Мавжуд етишмовчилик ва тўсиқларни бартараф этиш учун давлат томонидан инфратузилмани ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва рақамли хавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилиши зарур. Корхоналарда рақамли ҳисобот тизимларини кенг жорий этиш инвестиция муҳитини яхшилаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

IFRS стандартларини миллий бухгалтерия тизимига уйғунлаштиришда миллий қонунчилик базасини халқаро молиявий ҳисобот стандартлари билан мувофиқлаштириш, солиқ ҳисоботини соддалаштириш ва иккита ҳисоб юритиш заруратини камайтириш ҳамда рақамли бухгалтерия назариясини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётда ҳисоб юритишнинг янги концепциялари, алгоритмлари ва моделларини ишлаб чиқиш керак. Ахборот хавфсизлиги бўйича илмий тадқиқотларда бухгалтерия маълумотларини рақамли муҳитда ҳимоя қилиш, киберҳужумларга қарши барқарор тизимлар яратиш лозим.

Инновацион технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш учун сунъий интеллект, блокчейн ва булутли ҳисоблашнинг молиявий ҳисоботдаги ўрни ва самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш ҳамда кадрлар тайёрлашнинг илмий моделларидан фойдаланиб, олий таълим ва қайта

тайёрлаш тизимларида IFRSга асосланган замонавий ўқув дастурларини яратиш талаб этилади.

1-чизма.



* Муаллиф томонидан тузилган.

Корхоналарда рақамли бухгалтерия тизимларини жорий этишга ERP, CRM ва электрон ҳисоб-фактура тизимларини кенгайтириш, кичик бизнес учун арзон ва қулай ечимлар ишлаб чиқиш ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш дастурлари, бухгалтерлар ва аудиторлар учун IFRS, рақамли ҳисобот ва ахборот хавфсизлиги бўйича мунтазам ўқув курслари ташкил этиш талаб этилади.

Методик қўлланмалар ва амалиётда қўлланиладиган стандартларни яратишда миллий тилда IFRS бўйича қўлланмалар ва амалий мисоллар базасини тузиш билан бирга маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш учун корхоналарда киберхавфсизлик стандартларини жорий этиш ва булутли технологиялардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш керак.

Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтиришда рақамли инфратузилмани ривожлантириш ва бухгалтерия ҳисоботини рақамлаштиришда давлат томонидан кўмак бериш ҳамда халқаро тажриба алмашишда етакчи халқаро аудиторлик компаниялари билан ҳамкорликда семинарлар ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш керак. Инвестиция муҳитини яхшилаш учун IFRS асосида шаффоф молиявий ҳисоботлар тайёрлаш орқали хорижий сармоядорлар ишончини ошириш лозим.

Хулоса. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IFRS) асосида ислоҳ қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

Рақамли технологиялар - ERP тизимлари, блокчейн, сунъий интеллект ва булутли ҳисоблаш воситалари, молиявий ҳисоботнинг самарадорлиги ва

шаффофлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Мавжуд муаммолар бу кадрлар етишмовчилиги, инфратузилманинг ривожланмаганлиги ва миллий қонунчилик базасидаги тўсиқлар, босқичма - босқич бартараф этилиши лозим.

Халқаро стандартларга ўтиш бухгалтерия ҳисобини глобал молия бозорларига уйғунлаштириб, хорижий сармоялар жалб этишда ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун рақамли инфратузилмани ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва халқаро тажрибани амалиётга жорий этиш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. «Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига босқичма-босқич ўтиш дастури», Тошкент, 2023.
3. IFRS Foundation. «International Financial Reporting Standards (IFRS)», 2024 йилги таҳрир.
4. Абдуллаев Ш.Ш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит: назария ва амалиёт. — Тошкент: Иқтисодиёт, 2022.
5. Назарова, Д. «Рақамли иқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисобининг трансформацияси», Молия ва ҳисоб журнали, №3, 2023.
6. Кенжабаев, А. «Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт: имкониятлар ва муаммолар», Иқтисодиёт ва инновациялар, №2, 2023.
7. PwC. IFRS Adoption and Digital Accounting in Emerging Markets, 2023.
8. Deloitte. Blockchain and AI in Accounting: The Future of Financial Reporting, 2024.
9. ACCA (Association of Chartered Certified Accountants). «IFRS ва рақамли технологиялар интеграцияси», Лондон, 2024.